

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта
Махсус таълим Вазирлиги
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий Университети**

Ҳуқуқшунослик факультети



Курс иши

МАВЗУ: Алоҳида тоифадаги ишларни
юритиш

Бажарди: Махкамов Б
Текширди: Рахмедов А

Тошкент 2013 й

Кириш

1-боб. Жиноят процессида алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритишнинг келиб чиқиши, моҳияти ва аҳамияти

1.1. Жиноят процессида ишларни юритиш тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари

1.2. Алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш турлари

2-боб. Алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш тартиби

2.1. Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритишнинг ўзига хос хусусиятлари

2.2. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритишнинг ўзига хос хусусиятлари

2.3. Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишнинг ўзига хос хусусиятлари

2.4. Ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлардан кўзланган асосий мақсадлардан бири судни фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ҳокимият сифатидаги ўрни ва аҳамиятини ошириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини суд томонидан ҳимоя қилиниши кафолатларини янада кенгайтиришдир. Қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга берилиши, жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллашнинг судларга ўтказилиши шубҳасиз, судларнинг одил судлов органи сифатидаги аҳамиятини янада оширади. Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда¹.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 12-моддасида Ўзбекистон Республикасининг [Конституциясига](#) мувофиқ жиноят ишлари бўйича одил судловни фақат суд амалга ошириши мустаҳкамлаб қўйилган. Фақат суд ўз ҳукми билан шахсни жиноят содир этишда айблаш ҳамда жиноий жазолашга ваколатлидир. Фақат суд шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш, ярашилганлиги муносабати билан ажрим чиқариш, амнистия актини қўллаш масалаларини мазмунан ҳал қилиш ваколатига эгадир.

Республикамыз Жиноят процессуал қонунида жиноят ишларини суд томонидан мазмунан кўриб чиқилиши масалалари батафсил ишлаб чиқилган. Шу билан биргаликда Жиноят процессуал қонун айрим тоифадаги ишларни

¹ Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси Т.: Халқ сўзи.13.11.2010

кўришнинг алоҳида тартибини белгилаган. Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш, ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш, ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш бўйича иш юритиш алоҳидаги тоифада кўриб чиқиладиган ишлар ҳисобланади. Қонун чиқарувчи қандай мезонлардан келиб чиққан ҳолда мазкур турдаги ишларнинг судда кўришнинг алоҳида тартибини белгилаганлиги масаласига юридик адабиётларимизда етарлича эътибор қаратилмаган.

Республикамызда жиноят ишларини юритиш тизими:

- умумий тартибда ишларни юритиш;
- вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш;
- тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш;
- ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш;

- ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллашга доир ишларни юритиш турларига бўлинишининг назарий ва ҳуқуқий асослари тадқиқ қилинди ҳамда ишларни юритишнинг алоҳида тоифаларга бўлиниши лозимлиги зарурлиги асослаб берилди.

1-боб. Жиноят процессида алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритишнинг келиб чиқиши, моҳияти ва аҳамияти

1.1. Жиноят процессида ишларни юритиш тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Мамлакатимизда истиқлолга эришилган кунлардан бошлаб, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида, шунингдек, суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад тизимни умуминсоний демократик тамойиллар асосида шакллантиришдан иборатдир.

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда².

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “1993 йили қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги биринчи Қонунда, айбсизлик презумпцияси, ҳимояга бўлган ҳуқуқ, суд жараёнидаги тортишув ва ошкоралик каби умумэтироф этилган тамойиллар белгилаб қўйилган эди. Ушбу тамойиллар жиноят, жиноят-процессуал ва бошқа қатор кодекс, қонунларда ривожлантирилди. Ислохотларнинг мана шу босқичида судлов иш юритишнинг, том маънодаги мустақил ва фақат қонун олдида жавоб берувчи суд тизимининг қонуний асослари яратилди”³.

Умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Бу ўз навбатида уларнинг

² Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси Т.: Халқ сўзи.13.11.2010

³ Каримов И.А. Адолат қонун устуворлигида. // Халқ сўзи. 2001 й. 31 август

жиноят ва фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилди, ушбу кафолатдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришни таъминлаш бўйича катта кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилди. Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш, мазкур соҳада суд фаолиятини либераллаштириш бўйича ҳам кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилганини таъкидлаш лозим. Бу борада “Хабеас корпус” институтининг жорий этилиши, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида камоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилиши принципиал қадам бўлди. Ушбу қарорнинг ўз вақтида ва пухта ўйлаб қабул қилингани бугунги кунда кўпгина амалий мисолларда ўз исботини топмоқда. Мазкур институтнинг амалиётга татбиқ этилиши инсоннинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда. Ушбу институт жорий этилган 2008 йилнинг январидан буён судлар томонидан дастлабки тергов органларига 700 мартадан ортиқ ҳолатда мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилингани ҳам буни яққол тасдиқлаб турибди⁴.

Жиноят процесси давлатнинг ҳуқуқни қўллаш бўйича фаолиятининг тури ҳисобланиб, бундай фаолиятга у ёки бу жиноят содир этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар бўлган тақдирдагина зарурат юзага келади.

Давлатнинг жиноят ишлари юзасидан ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг алоҳида аҳамиятга эга эканлиги, уни амалга оширишда давлат мажбурловининг энг кескин шаклларида фойдаланиш зарурлиги бу фаолиятнинг аниқ тартибга солинишини, унда иштирок этувчилар ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг аниқ доирасини белгилашни талаб этади. Бинобарин, жиноят процесси – қонунга асосланган фаолиятдир.

⁴ Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси Т.: Халқ сўзи.13.11.2010

Жиноят ишларини юритишнинг жиноят процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамиятнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қўмаклашади.

Жиноят судлов ишларини юритиш жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазонинг муқаррарлигини таъминлаш билан бирга жамиятнинг бошқа беқарор аъзоларига тарбиявий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида жиноят судлов ишларини юритиш Жиноят-процессуал кодекси билан тартибга солинади.

Жиноят-процессуал кодексида белгиланган жиноят ишларини юритиш тартиби барча судлар, прокуратура, тергов, суриштирув, адвокатура органлари, шунингдек, фуқаролар учун ягона ва мажбурий бўлиб (ЖПКнинг 1-м.), у иш юритилишининг қонунийлигини, ишда иштирок этадиган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳамда еркинликларини таъминлайди, қабул қилинадиган қарорларнинг асосли ва адолатли бўлиши кафолатларини яратади.

Жиноят ишларини юритиш тартиби процессуал шакл билан белгиланади.

Қонунда аниқ ва бандма-банд кўрсатилган шарт-шароитлар, жиноят процессуал ҳаракатларни изчиллик билан расмийлаштириш, тегишли ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки тугатилиши жиноят процессуал шакл деб аталади⁵.

Жиноят процессининг тортишув шакли тортишув-судлов юритувининг демократик принципи бўлиб, унга биноан, ишнинг муҳокамаси тарафларнинг баҳслари шаклида амалга оширилади⁶.

Шундай қилиб, жиноят процессининг тортишув шакли ёки бошқача айтганда - замонавий жиноят процесси, аввалги тарихий шакллардан шуниси билан фарқ қиладики, бундай суд юритувида мавжуд "азалий"

⁵ Мухитдинов Ф.М. Уголовно-процессуальная форма: проблемы теории и методологии. Автореф. дисс. д-ра. юрид. наук. - Т., -2005.

⁶ Большой юридический словарь (Под. ред. А.Я.Зухарева, В.Д.Зоркина, В.Е.Крутских). М., 1999, С.646.

функциялар аниқ бўлинишига эга ва ишнинг натижасидан манфаатдор бўлган субъектларнинг процессуал мавқелари тенг даражада белгиланган. Тортишувга асосланган суд юритувида ишни ҳал этувчи, нафақат у ёки бу тарафнинг ғалабасини эътироф этиш билан машғул, балки иш бўйича ҳақиқатни ўрнатиш учун суд муҳокамасига бевосита раҳбарлик қилиш, тўпланган далилларни ўз ички ишончига асосланган ҳолда баҳолаш ва иш бўйича узил-кесил қарор чиқариш фаолиятини қамраб олувчи функцияни амалга оширади.

Адабиётларда тортишув процесси - айблов юритув шакли асносида пайдо бўлиб, процесснинг ушбу шакли асосан англо-саксон ҳуқуқ тизимида кенг ривож топганлига айтилади⁷.

Бироқ, тортишув нафақат англо-саксон ҳуқуқ тизими шу билан бирга, континентал ҳамда диний, яъни мусулмон ҳуқуқ тизимларидаги жиноят процессларининг ҳам ташкилий-процессуал ғоясидир.

Тортишув процессини мавжуд ҳуқуқ тизимлари асосида таҳлил қиладиган бўлсак, бу мушкул вазифани, шубҳасиз англо-америкача жиноят процесси шаклидан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Англо-америкача жиноят процессининг шакли. Инглизча, суд деб номланган суд юритуви XI асрда англосакс ва норманд қабилаларининг одат ва анъаналари негизида вужудга келди. Кейинчалик ушбу судлов юритувни, Англиянинг мустамлакаси бўлган АҚШ, Канада, Австралия ва бошқаларнинг ёки Англиянинг ҳуқуқ тизимидан андоза сифатида фойдаланган деярли барча мамлакатлардаги судлов тизимида кўриш мумкин.

Мазкур суд тизимининг энг асосий атрибути - суд прецеденти ҳисобланади. Шунга биноан бу процессда, қонун юзасидан ишлаб чиқилган шарҳловга қарамай, қонун меъёрларида ноаниқлик ёки кўп мазмунли тушунчалар сақланиб қолса, судья ўз ихтиёрига қараб иш тутишга ҳақли.

⁷ Қаралсин: Стецовский Ю.И. Судебная власть. С. 136-157; Уголовный процесс. Учебник для вузов, Изд. четвертое (Под ред. К.Ф. Гуценко). С.21.

"Судья ихтиёри" меъёрларнинг қарама-қаршилиги, шарҳланаётган меъёрларнинг ноаниқлиги, муайян меъёрларнинг бир неча мазмунда шарҳланганлиги туфайли вужудга келади.

"Судья ихтиёри"нинг (яъни прецедентнинг) манбасини: фактлар, меъёрларни қўллаш асослари ва меъёрларнинг ўзи ташкил этади. Прецедент фақат жуда мураккаб ва ижтимоий аҳамияти ниҳоятда катта бўлган ишлардагина юзага келиб, қарор қабул қилишда судья мутлақ ёки чекланмаган ихтиёрга эга дейиш нотўғри бўларди. Чунки ихтиёрнинг доираси доимо қонун билан чегаралангандир.

Ушбу чегарани икки турга бўлиш мумкин: а) судьянинг хулқини доим бир доирага солиб турувчи шаклий (процедур) чекловлар; б) моддий чекловлар, яъни судья муайян ҳолатларда бевосита ақл-идроққа таянган ҳолда ҳаракат қилиши керак. Ихтиёрнинг айнан ақл-идроққа асосланиши, иш бўйича ижобий қарор қабул қилишнинг энг мақбул йўналишидир⁸.

Континентал жиноят процессининг шакли - мазкур жиноят процесси шаклининг англо-америкача жиноят процессидан фарқи шундан иборатки, бу юритув жиноят процессини икки қисмга ажратади. Процесснинг дастлабки босқичи - ёпиқ; иккинчи - асосий, суд босқичи эса очик ва оғзакидир. Шу сабабли бу кўпинча "аралаш" жиноят процесси деб ҳам аталади.

1.2. Алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш турлари

Жиноят-процессуал адабиётларда иш юритиш процессуал шаклнинг мураккаблигига қараб бир қанча турларга бўлиниши кўрсатилган. Бу эса жиноят процессининг дифференциациялашганлигини кўрсатади⁹. Ю.К.Якимович барча жиноят-процессуал иш юритишни асосий (жиноят ишларини юритиш), қўшимча (суд томонидан жазони ижро этиш вақтида

⁸ Барак А. Судейское усмотрение (Перевод с англ.) Науч. рук. В.А.Кикот, Б.А. Страшуй). М., 1999, С.123.

⁹ Якуб М.Д. Процессуальная форма в советском уголовном судопроизводстве. —М.: Юрид.лит-ра, 1981. — С.71-74

юзага келадиган) ва алоҳида (ёки махсус) (тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича иш юритиш) каби турларга бўлади¹⁰.

А.В.Ленский эса замонавий жиноят процессида жиноят ишларини юритишдан ташқари мустақил иш юритиш бўлиши мумкин эмас дейди. Шу сабабли ҳам иш юритишни жиноят ишлари бўйича ва бошқа мустақил иш юритишга бўлиш асоссиздир. Унинг фикрича барча процессуал иш юритишлар жиноятлар бўйича иш юритиш ҳисобланади, уларнинг ҳаммаси ярим босқичли ҳисобланади, судда, умумий тартибда судгача бўлган босқичда кўрилади ҳамда процессуал шаклнинг мураккаблигига қараб оддий ва мураккаб иш юритишга бўлинади¹¹.

Мамлакатимиз Жиноят процессуал қонуни ҳам иш юритишни дифференциация қилиш йўлидан ривожланиб бормоқда. Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш, ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш, ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш алоҳида иш юритишга ажратилганлиги унинг яққол исботидир.

Амалдаги жиноят процессул қонун жиноят ишларини юритиш турларини, бу ишларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ажратган. Агар жиноят ишлари бўйича суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси тарзидаги умумий иш юритиш тизими мазкур тоифадаги ишларни кўриш тартибини аниқ белгилаб берган бўлсада, процесс иштирокчиларининг (жиноят содир қилганларнинг) ўзига хос хусусиятлари ёки кўриладиган ишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида тоифадаги ишларни кўриш тартиби ҳам белгиланган.

Ҳозирда республикамізда жиноят ишларини юритиш тизимини қуйидаги турларга бўлинади:

- умумий тартибда ишларни юритиш;

¹⁰ Якимович Ю.К. Структура советского уголовного процесса: система стадий и система производств. Основные и дополнительные производства. –Томск: Изд-во ТГУ, 1991. –С.32-33

¹¹ Ленский А.В. Досудебное производство в системе уголовного процесса России. –Томск: Изд-во ТГУ, 1997. –С.13

- вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш;
- тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш;
- ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш;
- ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллашга доир ишларни юритиш.

Ўз навбатида биз алоҳида тоифадаги ишларни юритиш тартибини қуйидаги асосларда турларга бўлишни таклиф этамиз:

1) жиноят содир қилишда айбланаётган шахсларнинг процессуал ҳолати билан боғлиқ алоҳида иш юритиш тартиби – унга вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар киради. Бунда иш юритишнинг махсус тартиби белгиланиши жиноят содир қилган шахсларнинг ўз ҳуқуқларини мустақил ҳимоя қила олмасликлари (ёшлиги, руҳий ҳолати ва ш.к.) сабабли уларга қўшимча кафолатлар яратилишини назарда тутди;

2) тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги ишларни юритиш тартиби – жиноят содир қилган шахснинг алоҳида процессуал ҳолати туфайли (ақли норасолиги, жиноят содир этиш вақтида ёки ундан кейин шахснинг руҳий касалга чалинганлиги) унга нисбатан умумий тартибда иш юритиш қоидаларини қўллаб бўлмаслигидан келиб чиқади. Бундай шахсларга жиноий жазо эмас, балки тиббий йўсиндаги мажбурлаш чоралари қўлланилади, уларнинг руҳий ҳолатидан келиб чиқиб, айб эълон қилинмайди, дастлабки тергов ўтказилмай иш судга юборилади, суднинг қарори ажрим шаклида бўлади;

3) ишларни кўришнинг ўзига хос, соддалаштирилган тартиби – унга ярашув тўғрисидаги ва ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллашга доир ишлар киради. Мазкур иш юритиш тартиблари 1994 йилда қабул қилинган жиноят-процессуал қонунда мавжуд эмас эди. Республикамизда суд-ҳуқуқ ислохотларининг изчиллик билан амалга оширилиши, суднинг мустақил ҳокимият тармоғи сифатида ўрнининг ошиши билан жиноят процессуал қонунчиликда ҳам иш юритиш тартиби

такомиллаштирилиб борилмоқда. 2001 йил 29 августда қабул қилинган қонун асосида ЖПКга янги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш” деб номланган 62-боб киритилди. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 декабрдаги ЎРҚ-193-сонли Қонуни билан ЖПК га “Ишни судга кадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш” деб номланган 63-боб киритилди. Бунда асосий эътибор – қонунда белгиланган етарли асослар мавжуд бўлганида, анъанавий иш юритиш шаклига риоя қилмаган ҳолда (суриштирув, дастлабки терговни ўтказмаган ёки охиригача етказмаган ҳолда) ишни судда кўриб ҳал қилишга қаратилади. Суд муҳокамаси ҳам ўз навбатида умумий тартибда ишларни судда кўришдан соддалаштирилганлиги ва унинг қарори ҳукм эмас, балки ажрим шаклида бўлиши билан фарқланади.

2-боб. Алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритиш тартиби

2.1. Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият ҳисобланади. Шахс ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш, риоя этиш ва уни ҳимоя қилиш давлатнинг мажбуриятидир. Давлатнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш фуқароларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг самарали механизмини яратишни тақозо этади.

Жиноят процесси инсон ҳуқуқ ва манфаатларига сезиларли даражада таъсир қиладиган давлат фаолияти тури ҳисобланади. Бунда шахсга турли жиноят-процессуал мажбурлов чоралари қўлланилиши, уни жиноий жавобгарликка тортиш, озодлигини чеклаш каби масалалар ҳал қилинади. Одил судловни амалга оширишда шахсни қайта тарбиялаш ушбу фаолият диққат марказида туради, айниқса чояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноят ишларини судда кўришда бу янада долзарб аҳамият касб этади. Шу билан биргаликда катта ёшдагилар ва вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноят ишларини кўришнинг бир-биридан нафақат ёш жиҳатидан балки, сифат жиҳатидан ҳам фарқ қиладиган хусусиятлари мавжуд¹².

Ҳозирги вақтда вояга етмаганлар жиноятчилиги ҳақида салмоқли статистик материал тўпланган, уни таҳлил қилиш методикаси асосан ишлаб чиқилган. Буларнинг барчаси вояга етмаганлар жиноятчилигининг ҳолатини, унинг миқдор ва сифат ўзгаришларини анча аниқ баҳолаш имконини беради.

Сўнгги йилларда яшашдан мақсад қандай йўл билан бўлмасин моддий фаровонликка эришиш, ҳар қандай усул билан бойлик орттиришдан иборат бўлган ўсмирлар қатлами анча фаол ўсиб бораётир.

¹² Мартыненко С.Б. Представительство несовершеннолетних на досудебных стадиях уголовного процесса. Автореф. дис. ... канд. Юрид. Наук. СПб., 2000

Тадқиқотлар натижасида 16-17 ёшида жиноят содир этганларнинг 52,1% жиноий қилмиш содир этган пайтда ҳеч қаерда ўқимагани ва ишламагани аниқланди. 16-17 ёшида уюшган жиноий гуруҳлар таркибида жиноят содир этган ўқимаган ва ишлаган ўсмирлар орасида ўтказилган сўров уларнинг 76,8% ўқиш ва ишлашни хоҳламаганини кўрсатди.

Бу, биринчидан, мактабдан кейинги даврда ўсмирлар ҳаёти тегишли органлар эътиборидан четда қолишини, иккинчидан, оилада ёшларда, айниқса, вояга етмаганларда ўқиш ва ишлашга эҳтиёжни шакллантиришга кам эътибор берилишини кўрсатади. Ҳаётга енгилтаклик билан ёндашиш ўсмирларнинг бир қисмини тамагирлик жиноятлари ва бошқа ғайриқонуний қилмишлар содир этишга туртки бермоқда².

Инсон қадриятларга муносабати баъзан мутлақо тескари бўлган ҳар хил гуруҳлар таъсирида ўзига энг яқин у ёки бу ролни танлашга мажбур бўлади. Қайси рол инсон учун асосий ролга айланиши кўп жиҳатдан унинг шахсий хусусиятлари билан белгиланади. Шахснинг ижтимоий-психологик хусусиятлари, унинг ижтимоий мўлжалларига қараб, айтиб бир ролни турли одамлар ҳар хил баҳолаши ва амалга ошириши мумкин. Ўзлаштирилган рол эса шахснинг хулқ-атворини ўзи белгилаши мумкин.

Вояга етмаганларнинг жиноятларига жоир ишларни тергов қилишда бу ҳолатни албатта эътиборга олиш лозим. Ўсмир ўзлаштирган рол нафақат у жиноятга қўл уришига туртки бериши, балки унинг терговда ўзини тутиш, кейинчалик, у озодликдан маҳрум этилган тақдирда, тарбия колониясидаги хулқ-атвор тактикасини белгилаши мумкин³.

Вояга етмаганларнинг жиноятларига доир ишларни тергов қилишда шахснинг ижтимоийлашуви одатда оилада бошланишини ёдда тутиш керак. Шахс феъл-атвори, қарашлари ва эҳтиёжларининг шаклланиши, у ахлоқий меъёрларни ўзлаштиришидан иборат мураккаб жараён оилада юз беради.

² Каранг: Зарипов З.С. Вояга етмаганларнинг гуруҳий жиноятчилиги ва унинг олдини олишга қаратилган айрим чоралар // «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини такомиллаштириш» мавзuidaги илмий—амалий конференция материаллари. — Тошкент, 2001. — 18—21-б.

³ Каранг: Жуков Д.А. Политика наказания несовершеннолетних. — М., 2001. — 181-183-б.

«...жиноятчи, хусусан рецидивист ғайриижтимоий хулқ-атворининг куртакларини унинг ҳаёт йўли ибтидосидан, у шахс, ижтимоий мавжудот сифатида шакллана бошлаган муҳитдан қидириш лозим. Бу аввало оилага ва биринчи микроижтимоий муҳитга тегишли. Мазкур қоида ҳар қандай ҳуқуқбузарга нисбатан татбиқ этилади. Жиноятчилик, шу жумладан муайян жиноятчилар хулқ-атвори сабабларини тушунтиришда бундан ҳеч қачон қочиб қутулиб бўлмайди»².

Шунга ўхшаш нуқтаи назарни Л.Л.Каневский ҳам илгари суради. Унинг фикрича, боланинг дунёқараши ва руҳияти, унинг яшаш принциплари оилада шаклланади ва ривожланади, яшаш шароитлари ва оиладаги тарбия у муайян омиллар ва ҳодисаларни тўғри идрок этишига ўз таъсирини кўрсатади. Шу сабабли тергов жараёнида вояга етмаган шахснинг оиладаги яшаш шароитлари, бу ердаги муносабатлар хусусиятини аниқлаш жиноят содир этилишига имконият яратган омилларни билиш учун муҳим аҳамият касб этади³.

Вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноятларни судда кўришнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, ушбу жараёнда вояга етмаганнинг қилмишига тўғри баҳо бериш унинг кейинги ҳаётини тўғри изга солишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Вояга етмаганлар жиноятчилиги катталар жиноятчилиги билан бир хил сабабларга эга, бироқ уларнинг вояга етмаганлар жиноятчилигига таъсир кўрсатиш механизми анча фарқ қилади. Бу сабаблар шахснинг шаклланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Мазкур тарбия ташкилий ва стихияли жиҳатларни, тарбия ҳамда тегишли ижтимоий амалиёт таъсирини ўз ичига олади.¹

² Карпец И.И. Наказание: социальные, правовые и криминологические проблемы. – М.: Юридическая литература, 1973. – 243-244-б.

³ Каранг: Каневский Л.Л. Проблемы методики расследования преступлений несовершеннолетних. – Уфа, 1976. – 37-б.

¹ Каранг: Долгова А.И. Социально-психологические аспекты преступности несовершеннолетних. – М., 1981. – 35-б.

Ҳозирда ватанимизда 18 ёшгача бўлганлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки аҳолининг қарийб 40 фоизини ташкил этади.¹³

Шахснинг шаклланишида энг муҳим вақт бўлган вояга етмаганлик даври, ҳар бир кишининг кейинги тақдирини белгилашда муҳим аҳамият касб этади, чунки айнан ана шу даврда у шахс сифатида шаклланади. Бу вақтда вояга етмаганларга улар етарли ҳаётий тажрибага эга эмасликлари сабабли қарор чиқаришда янглишиш, вазиятга тўғри баҳо бераолмаслик, ўз ҳаракатлари ва унинг оқибатларини тўғри англай олмаслик, қарор қабул қилишда ҳиссиётга берилиш, бошқаларга ўзини намён қилиш истагининг кучлилиги каби ҳолатлар жиноят содир қилишига олиб келиши кўп учрайдиган ҳолдир. Шу сабабли ҳам, вояга етмаганларнинг жиноятларига доир ишларни кўриб чиқиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, жиноят процессида исботланиши лозим бўлган ҳолатлардан ташқари, бундай ишларда вояга етмаган муҳит, унинг тарбияси, жиноят содир бўлишига олиб келган шароитлар ҳам батафсил ўрганилиши керак.

Бундай турдаги ишларни юритишда дастлабки тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамаси даврида вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича умумий тартибда иш юритишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлардан ташқари қуйидагилар исботланиши лозим:

- вояга етмаган айбланувчининг аниқ ёши (туғилган йили, ойи, куни);
- вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар ва унинг саломатлиги ҳолати;
- унинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари;
- катта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлиги.

Ушбу ҳолатларнинг белгиланиши Пекин қоидалари талабларига жавоб бериб, вояга етмаганларнинг жиноят содир қилишининг аниқ

¹³ Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. Т.13. –Тошкент: Ўзбекистон, 2007. –Б. 36.

сабабларини топиш, унга нисбатан ёш ва ақлий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таъсир чораларини қўллаш имконини беради.

Бундай турдаги ишларни юритишда дастлабки тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамаси даврида вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича умумий тартибда иш юритишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлардан ташқари қуйидагилар исботланиши лозим:

- вояга етмаган айбланувчининг аниқ ёши (туғилган йили, ойи, куни);
- вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар ва унинг саломатлиги ҳолати;
- унинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари;
- катта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлиги.

Ушбу ҳолатларнинг белгиланиши Пекин қоидалари талабларига жавоб бериб, вояга етмаганларнинг жиноят содир қилишининг аниқ сабабларини топиш, унга нисбатан ёш ва ақлий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таъсир чораларини қўллаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига мувофиқ вояга етмаганларнинг жиноятларига доир ишларни юритиш қуйидаги хусусиятларга эга:

- 1) Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича
- 2) Вояга етмаганларнинг жиноятларига оид ишларни юритишда қонуний вакиллар ва ҳимоячининг иштироки шартлиги.
- 3) Вояга етмаган айбланувчи (гумон қилинувчи)ни сўроқ қилишнинг ўзига хослиги.
- 4) Вояга етмаганларга нисбатан вояга етмаган айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораларини қўллашнинг ўзига хослиги.

2.2. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 61-бобида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби белгиланган бўлиб, ушбу турдаги ишларни юритиш умумий асосларда жиноят ишларини юритиш тартибидан бир канча фарқ қиладиган хусусиятларга эгадир.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ўз табиатига кўра давлат мажбурлов чораси бўлиб, жиноят, жиноят-процессуал қонунларида кўзда тутилган тартибда фақатгина суд томонидан тайинланади.¹⁴

Рус олими И.Н.Введенский “Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси тиббиёт ходими томонидан эмас, балки ҳуқуқшунос томонидан тайинланиши, уни тайинлаш асослари ва тартиби Жиноят ва Жиноят процессуал қонунлари билан белгиланар экан, ушбу масала ўзига хос долзарб масала ҳисобланади дейди. Унинг фикрича, ушбу масала фан ва ҳаётнинг икки мустақил томони-ҳуқуқшунослик ва тиббиёт - билан тартибга солиниши унги нисбатан юқори даржада қизиқишни туғдиради”¹⁵.

Жиноят ёки Жиноят процессуал қонун тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тушунчасини очиб бермаган. Шу билан биргаликда, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси тушунчаси, унинг ҳуқуқий моҳиятини ўрганиш, ушбу чораларни қўллаш жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари суд психиатрия экспертизаси ҳулосасига асосланган ҳолда муайян руҳий касалликка чалинган ва Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмишлардан бирини содир этган, шунингдек алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка чалинган шахсларга нисбатан қўлланадиган, мажбурий руҳий даволашдир.¹⁶

ЖКнинг 91-моддасига мувофиқ - тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари руҳий касаллик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган

¹⁴ Гуценко К.Ф. Уголовный процесс. Уч. для студентов Вузов. Москва, Зерцало, 1997., 479-бет.

¹⁵ Введенский И.Н. Принудительное лечение душевнобольных / И.Н.Введенский // Душевнобольные правонарушители и принудительное лечение / Под ред. П.Б.Ганнушкина. –М. 1929, -С. 5

¹⁶ М.Н. Голоднюк «Уголовное право В XXI веки» Москва. «ЛексЭст» 2002 йил 126- бет

шахсларга нисбатан уларни даволаш ва уларнинг янги ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этишининг олдини олиш мақсадида тайинланиши мумкин.

Суд жазолаш билан бир қаторда алкоголизм, гиёвандлик ёки захарвандлик касаллигига йўлиққан шахсларга нисбатан — даволаш учун ва жазолаш мақсадига эришишга кўмаклашувчи шароит яратиш учун тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаши мумкин.

Ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасолик ҳолатида ёки ҳукм чиқарилгунга қадар ёхуд жазони ўташ вақтида руҳий касалликка чалинганлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англамаслик ва ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолатида содир этган шахсга нисбатан, агар у руҳий ҳолати ва содир этган қилмишининг хусусиятига кўра жамият учун хавфли деб топилса, суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинлаши мумкин.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси шахсий даволаш мақсадида қўлланилади.

Даволаш деганда, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган шахсни ижтимоий ҳаётга мослашуви, унинг руҳиятини ўзгартириш мақсадида қўлланиладиган таъсир чораси тушунилади.

Бундай усулда даволаш, шахснинг тўла тузалишини мақсад қилиб қўймасда, аммо шахсни жамият учун хавф туғдирмайдиган даражада руҳий жиҳатдан тузатишга қаратилади. Шу йўсинда тиббий мажбурлов чораси асосида даволаш метод ва усуллари, бу таъсир чораси билан боғлиқ бўлмаган ҳолда даволанаётган шахсларга нисбатан қўлланилаётган чоралар қўлланилади.¹⁷

Юқоридаги қоидага мувофиқ тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жазо чораси ҳисобланмайди. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари суд томонидан тайинланадиган давлатнинг мажбурлов чораси бўлиб ҳисобланади. Бу мажбурлов чораси суд ҳукми билан эмас, балки, суд ажрими билан белгиланади. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси руҳий касалликка

¹⁷ Ўз Р. Олий Мажлисининг 2000 йил 31 августидаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни.

чалинган шахснинг қилмишини баҳоловчи хусусиятга эга эмас, у қайта тарбиялаш мақсадини кўзлайди, руҳий касалликка чалинган шахс томонидан содир этилиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли қилмишни олдини олади, уларни даволаш ва жамият манфаатларини химоя қилишга хизмат қилади. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасининг аниқ бир турини қўллашдан олдин суд белгиланган мақсадларнинг ҳар бирига эришиш мумкинлигига эътибор қаратиши лозим. Шундай қилиб тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жиноий жазо чорасидан ўз асосига, тузилишига ва юридик оқибатига кўра фарқ қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 12 декабрдаги “Руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида” га Қарорининг бешинчи бандига мувофиқ Жиноят кодекси 93, 94-моддаларига мувофиқ тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қуйидаги турларда тайинланиши мумкин:

психиатр хузурида мажбурий амбулатория кузатуви ва даволаш-касаллик зўрайганлигидан далолат берувчи аломатлар бўлмаган руҳий касаллар, шунингдек руҳий ҳолати вақтинча бузилган шахсларга нисбатан;

умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаш - ижтимоий хавфлилиги даволаш талаб этиладиган руҳий ҳолат билан боғлиқ руҳий касалларга нисбатан, агар даволаш умумий асосларда ўтказилиши мумкин бўлса;

умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасининг махсус реабилитация бўлимида мажбурий даволаш - ижтимоий хавфлилиги кўпроқ реабилитация чоралари ўтказилишини талаб этадиган ҳолат билан боғлиқ руҳий касалларга нисбатан, агар уларни ихтиёрий тартибда ўтказиш имконияти бўлмаса;

кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонаси (бўлими)да мажбурий даволаш – ўта ижтимоий хавфли бўлган ёки ҳулқида бузилиш аниқланган руҳий касалларга нисбатан, агар зарурий даволаш ва

реабилитация чораларини умумий тартибли рухий касалликлар шифохонасида ўтказиш имконияти бўлмаса;

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари турини белгилашда ҳар доим шахсининг рухий ҳолати (рухий бузилиш хусусияти) ва у томонидан кейинчалик ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши эҳтимоли мезон ҳисобланади¹⁸.

Тиббий йўсиндаги мажбуrows чоралари қўлланилган шахсларнинг ҳуқулари, уларга берилган кафолатлар Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августдаги «Психиатрия ёрдами тўғрисидаги» қонуни билан тартибга солинади.

Ўз мазмуни ва моҳияти, мақсадига кўра тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жазодан фарқ қилади. Шу билан биргаликда, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жиноий жазо ҳисобланмасада, у билан бир қанча ўхшаш жиҳатлари мавжуд.

Улар қуйидаги умумий белгиларга эга:

а) жиноят қонунида кўзда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш содир этилганлиги учун қўлланилади;

б) давлат номидан тайинланади;

в) турли хил чекловлар билан боғлиқ;

г) жиноят-ҳуқуқий тақиқларни бузганликнинг ҳуқуқий оқибати сифатида намоён бўлади;

д) уларнинг турлари ва қўллаш асослари жиноят қонунида белгиланган;

е) уларни қўллаш, ўзгартириш ва бекор қилиш жиноят процессуал қонун нормалари асосида амалга оширилади;

ж) уларни амалга ошириш Жиноят қонуни олдида турган вазифаларни бажаришга қаратилган.

¹⁸ Ленский А.В., Якимович Ю.К. Производство по применению принудительных мер медицинского характера. –М.: Юрист, 1999

Бу икки тушунча (жазо ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари) орасидаги фарқ қуйидаги ҳолатлар билан ифодаланади:

- Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 42-моддасига мувофиқ жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир;

- тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари эса давлат мажбурловининг бир тури сифатида суд ажрими билан тайинланади (Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 577-моддаси);

- суд ҳукми ва суд ажримининг ҳуқуқий табиати бир хил эмас. Жиноий жазо суд ҳукми билан, фақат жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга қўлланилади. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари эса суд ажрими билан қуйидаги ҳолатларда:

- руҳий касаллик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларга нисбатан уларни даволаш ва уларнинг янги ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этишининг олдини олиш мақсадида (ЖК 91-моддаси 1-қисми);

- суд жазолаш билан бир қаторда алкоголизм, гиёвандлик ёки заҳарвандлик касаллигига йўлиққан шахсларга нисбатан — даволаш учун ва жазолаш мақсадига эришишга кўмаклашувчи шароит яратиш учун тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаши мумкин (ЖК 91-моддаси 2-қисми).

2.3. Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишнинг ўзига хос хусусиятлари

2001 йилнинг 29 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгартиришлар ва

қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганидан сўнг жиноят процесси соҳасида янги институт - ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш тартиби жорий этилди.

Ярашув институти тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг олтинчи сессиясидаги маърузасида қайд этганларки: ««Жабрланувчи билан ярашув» тўғрисидаги алоҳида тоифадаги иш юритиш тартибининг жорий этилиши жиноят процесси қонунчилигини такомиллаштиришда муҳим қадам бўлади. Хўш, бу ерда гап нима ҳақда бормоқда? Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахс, агар мукаддам судланмаган бўлса, ўз айбини бўйнига олса, жиноят оқибатида келтирилган зарарни тўласа, жабрланувчи билан ярашса, суд ишни ҳаракатдан тўхтатади. Бу ҳолатда жиноят содир этган шахс судланган, деб ҳисобланмайди. Муҳими, дастлабки тергов ишларини олиб бориш ва ишни судда кўриш учун сарфланадиган муддатлар қисқаради. У узоги билан уч ҳафтагача чўзилиши мумкин»¹.

Ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётига 2001 йилдан бошлаб ярашув институти киритилди ва у самарали фаолият кўрсатмоқда. Ярашув институтининг талабига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноий қилмишни содир этган шахс жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилмайди. Мазкур институтнинг самарадорлиги ҳамда ўзбек халқининг раҳмдиллик ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг изчиллик билан кенгайиб боришига асос бўлди. Ҳозирги кунда 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти назарда тутилган.

Шу борада яна бир мисолга эътибор берайлик. Ярашув институтининг жорий этилиши натижасида ўтган давр мобайнида 100 минг нафарга яқин фуқаро жиноий жавобгарликдан озод этилди¹⁹.

¹⁹ Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси Т.: Халқ сўзи.13.11.2010

Мазкур институтни жиноят ҳукуқи ва жиноят процессида қайд этилиши Ўзбекистон Республикасида Жиноят Кодексининг 66¹-моддасида ўз ифодасини топди.

Ушбу модда мазмунига кура Жиноят Кодекси 105-моддасининг **биринчи қисмида** (қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш), **106-моддасида** (кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш), **107-моддасида** (зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш), **108-моддасида** (ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш), **109-моддасида** (қасддан баданга енгил шикаст етказиш), 110-моддасининг **биринчи қисмида** (қийнаш), **111-моддасида** (эҳтиёцизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш), 113-моддасининг **биринчи** ва **иккинчи** қисмларида (таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш), **115-моддасида** (аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш), 116-моддасининг **биринчи** ва **иккинчи** қисмларида (касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик), 117-моддасининг **биринчи қисмида** (хавф остида қолдириш), 121-моддасининг **биринчи қисмида** (аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш), **122-моддасида** (вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш), **123-моддасида** (ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 125-моддасининг **биринчи қисмида** (фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш), **136-моддасида** (аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш), 138-моддасининг **биринчи қисмида** (зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш), 139-моддасининг **биринчи** ва **иккинчи** қисмларида (туҳмат), 140-моддасининг **биринчи** ва **иккинчи** қисмларида (ҳақорат қилиш), **143-моддасида** (хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш), **148-моддасида** (меҳнат қилиш ҳукуқини бузиш), **149-моддасида** (муаллифлик ёки ихтирочилик ҳукуқларини бузиш),

167-моддасининг **биринчи қисмида** (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш), 168-моддасининг **биринчи қисмида** (фирибгарлик), 169-моддасининг **биринчи қисмида** (ўғрилик), 170-моддасининг **биринчи қисмида** ҳамда иккинчи қисмининг «б» ва «в» бандларида (алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкый зарар етказиш), **172-моддасида** (мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш), 173-моддасининг **биринчи қисмида** (мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш), **185²-моддасида** (электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш), **192-моддасида** (ракобатчини обрўсизлантириш), **229-моддасида** (ўзбошимчалик), 256-моддасининг **биринчи** ва **иккинчи** қисмларида (тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларини бузиш), 257-моддасининг **биринчи қисмида** (меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш), 258-моддасининг **биринчи қисмида** (тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 259-моддасининг **биринчи қисмида** (ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 260-моддасининг **биринчи қисмида** (темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 266-моддасининг **биринчи қисмида** (транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 268-моддасининг **биринчи қисмида** (транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузиш), 277-моддасининг **биринчи қисмида** (безорилик), 298-моддасининг **биринчи қисмида** (машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш) назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқдор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф эца, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди.

Халқаро жиноят-процессуал қонунчилигини таҳлил этиш натижасида аҳолининг одил судловга нисбатан бўлган ишончи тобора пасайиб бораётганлигининг гувоҳи бўламиз. Унинг ўрнига одил судлов жараёнини бевосита алмаштириш билан боғлиқ янги норасмий жараёнлар вужудга келмоқда: медиация, ярашув, музокаралар, арбитраж, минипроцесс ва шуларга ўхшаш жараёнлар. Медиацияни киритилиши эса Европа Кенгаши ва БМТнинг бир қатор ҳужжатларида тавсия этилганини ҳисобга олсак, унинг назарий моделлари олис Болгарияда ишлаб чиқилган экан²⁰. Аммо шуни ҳам айтиш жоизки, Болгарияда ҳалигача ҳам ярашув институти назарий шаклда бўлиб, жиноят-процессуал қонунчилигига киритилмаган, фақат прокурор ва ҳимоячи ўртасидаги келишув институти жорий этилган, холос. Унинг асосий камчилиги жиноятдан жабр чеккан шахс бу институт бўйича бирон бир ташаббус билан чиқиш ҳуқуқига эга эмас экан. Шу билан бирга мазкур келишувни фақат прокурорнинг ташаббусига кура амалга ошириш мумкин бўлар экан.

Ярашув тўғрисидаги ариза суриштирув ва дастлабки терговнинг исталган босқичида, яъни шахс гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган пайтдан бошлаб, судланувчи эса жиноят ишини кўриб чиқаётган биринчи инстанция суди маслаҳатхонага киргунга қадар берилиши мумкинлиги қонунда назарда тутилган. Суриштирувчи, терговчи ёки судья ярашиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш вақтида жабрланувчи ёки унинг қонуний вакилига, агар суд ярашувни тасдиқласа, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилади²¹.

¹ Қаранг: *Чанкова Д.И.* Медиация как возможная иновация в уголовном процессе/7100 години наказателен закон и актуални проблеми на наказателното законодателство. 1996. №1.-С. 155-167.; *Хамидуллаев А.А.* Тарафларнинг ярашуви институтини амалга ошириш механизми: Ўқув қўлланма.(Ярашув институти: жазолаш судловидан ҳуқуқни тиклаш одил судловига ўтиш механизми:Ўқув қўлланмаси.)-Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003.-Б. 16-30.

²¹ Усмоналиев М. Ҳозирги замон жиноят ҳуқуқи муаммолари. –Т.: ТДЮИ, 2006. – Б.217.

2.4. Ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси суд-ҳуқуқ тизимидаги жавобгарликни либераллаштириш сиёсатининг мақсади айнан жавобгарликнинг муақаррарлигини таъминлашдан иборатдир. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда жиноят қонунлардаги жиноят-ҳуқуқий ва бошқа таъсир чораларини жадал ривожлантириш йўлидан бормоқда, бузилган ҳуқуқни тикловчи хусусиятлар устувор аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда маҳкумларни ахлоқан тузатиш воситаси сифатида озодликдан маҳрум қилиш жазосининг самарасизлиги ҳақидаги кўплаб фикрлар айтилмоқда. Хусусан, шахснинг жамиятдан, ижтимоий муносабатлардан узилиб қолиши кўпгина оилаларнинг бузилиб кетиши, муҳим функцияларининг йўқотилиши, “ўзига хос микромуҳит” таъсири остида қадрият йўналишларининг топталиши, шахснинг руҳан яккаланиб қолиши, маҳалладан узоқлашуви, ўсмирлар ўртасида қаровсизликнинг кўпайиши хавфининг ортиши жазони ўташ жойларида рецидив жиноятчиликнинг кўпайишига олиб келиши кузатилмоқда. Шахс руҳий ҳолатининг бузилиши озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ муассасаларининг маҳкумларга ижобий таъсирини минималлаштириб, баъзан эса, акс таъсир кўрсатаётганлиги сир эмас. Шу жиҳатдан олиб қараганда, “оғир жазо, айниқса фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликни олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда”²².

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси умумий қисми бешинчи бўлимида жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш тури сифатида амнистия акти белгиланган.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти ўз моҳиятига кўра, жиноий жавобгарликнинг ретроспектив хусусияти ҳисобланади. Позитив

²² Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б.36.

юримдик жавобгарликнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва айниқса, судлар фаолиятидаги аҳамияти ошиб бормокда²³. Дарҳақиқат, бугунги кунда жиноят қонунининг либераллаштирилиши муносабати билан жиноий жавобгарликнинг нафақат салбий балки ижобий (позитив) жиҳатига бўлган эътибор кучайиб бормокда.

Бугунги кунда жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти ЎзР ЖК Умумий қисмининг 12-боби билан тартибга солиниб, жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг олтита асоси кўзда тутилади:

- жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш (64 -модда);

- қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (65 -модда);

- айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод этиш (66 -модда);

- ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш (66-1-модда);

- касаллик туфайли жавобгарликдан озод этиш (67 -модда);

- амнистия акти асосида жавобгарликдан озод этиш (68 -модда);

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш аниқлиги ва турларига кўра, қуйидагиларга ажратилади:

- умумий (ЖК Умумий қисмида кўзда тутилган ва тегишли ҳолат ва белгиларга эга бўлган барча жиноятларга тадбиқ этиладиган турлари);

- махсус (ЖК Махсус қисмида кўзда тутилган ва одатда, фақатгина муайян жиноятларга нисбатан тадбиқ этиладиган турлари).

Амнистия акти асосида жавобгарликдан озод этиш жиноят содир этган шахсни жиноий жавобгарликдан озод этишнинг яна бир мустақил тури ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасининг 10-бандида қайд этилганидек, Олий Мажлис Сенати Республика Президентининг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни

²³ “Круглый стол: Свобода и ответственность” // Ж. Государство и право, №3, 2007. – С.120.

қабул қилади. Амнистия жиноят содир этган, шунингдек жазони ўтаётган шахсларга нисбатан инсонпарварликнинг принципини амалга оширилишидир. Амнистия – муайян жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган жиноят қонунини бекор қилмасдан, суд ҳукмининг қарорлари асосли ва қонунийлигини шубҳа остига қўймасдан, шахсни жазодан ёки жиноий жавобгарликдан озод қилади, айбдорга тайинланган жазони енгилроқ жазо билан алмаштиради ёхуд белгиланган муддатларни қисқартиради, шунингдек, жазони ўтаганликнинг оқибати судланганликни бекор қилади²⁴.

Амнистия акти муайян жиноят учун жавобгарликни кўзда тутган ҳуқуқий ҳужжатни, яъни суд ҳукмини бекор қилмайди, балки жиноят содир этган шахсларнинг қисматини енгиллаштиради. Амнистия акти асосида жиноий жавобгарликдан озод қилишда инсонпарварлик принципи ўз ифодасини топган. Амнистия – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан қабул қилинган норматив хусусиятдаги ҳужжат бўлиб, унда жиноий жавобгарлик ёки тайинланган жазони ўташдан озод этиладиган, суд белгилаган жазо муддати қисқартириладиган шахсларнинг тоифалари ёки барча шахслар белгилаб берилади. Амнистия актининг юридик кучи муайян доирадаги шахсларга (масалан, аёллар, вояга етмаганлар ёки 60 ёшдан катталар), ёки муайян турдаги жиноят (масалан, эҳтиёсизлик туфайли, иқтисодий ва ҳ.к.) содир этганларга нисбатан чиқарилган меъёрий ҳужжат ҳисобланади. Амнистия эълон қилинган ҳужжатларнинг биронтаси ҳам “жавобгарликдан озод этиш” тушунчасини ўз ичига олмаганлигига қарамай, у ҳар ҳолда жиноят ишини кўзғатишдан воз кечиш, уни дастлабки тергов пайтида тугатиш ёки айбилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб, жиноят ишини тугатиш орқали амалга оширилади.

Амнистия тўғрисидаги қарорларда у ёки бу қоидаларнинг амал қилиши уюшган гуруҳлар таркибида ҳаракат қилган, ўта оғир жиноятлар содир қилган, жуда кўп миқдорда гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний

²⁴ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. Т.: ИLM ZIYO, 2006-Б.876-877.

муомаласи билан боғлиқ жиноятларни содир қилганлар ва ўта хавфли рецидивист, деб эътироф этилган шахсларга нисбатан қўлланмайди. Бундай таъкидлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги 2001 йил 22 августидаги № УП 2917 Фармонининг 9-бандида; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 апрелидаги № УП 2287 "9 майни хотира ва кадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Фармонининг 10-бандида ҳам келтирилганлигини мисол тариқасида кўриш мумкин.

Амнистия актлари тўрт ой мобайнида амал қилиб, ушбу инсонпарварлик актида назарда тутилган қоидалар ана шу давр давомида бажарилиши шартлигидан далолат беради.

Умумий қоидага кўра, амнистия акти, у чиқарилгунга қадар содир этилган жиноятларга нисбатан татбиқ этилади. Узоққа чўзилган жиноят содир этган шахсларга нисбатан, амнистия акти, агар жиноятни ташкил этувчи барча ҳаракатлар амнистия акти кучга киргунга қадар амалга оширилган бўлса, татбиқ этилади. Амнистия акти асосида шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш давлат томонидан унинг жиноятини эмас, балки шахснинг кечирилишидир.

Амнистия акти жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилишда инсонпарварлик принципини қўллашнинг яққол ифодасидир. Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан ҳозирга қадар амнистия актидан биринчи марта жиноят содир қилганлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларни кечириш орқали жамиятга қайтариш орқали жиноятчиликни олдини олишда самарали фойдаланиб келинмоқда.

Амнистия (юнонча “amnestia” – “унутиш, эсдан чиқариш”, “кечирим, авф, гуноҳини кечиритиш”) – жиноят содир этган шахснинг амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилинишидир²⁵.

Амнистия эълон қилиш муайян туркумдаги шахсларнинг гуноҳидан кечиб, жиноий жавобгарлик ёки жазодан тула ёки қисман озод қилишдан иборатдир. Шунингдек, амнистия актида жазонинг қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш, судланганлигини олиб ташлаш ҳам кўрсатилиши мумкин²⁶.

Амнистия - жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутадиган жиноят қонунини бекор қилмасдан, суд ҳукмининг, қарорларининг асосли ва қонунийлигини шубҳа остига қўймасдан, жазодан ёки жиноий жавобгарликдан озод қиладиган, жазони енгил жазо билан алмаштирадиган, ёхуд белгиланган муддатларни қисқартирадиган, шунингдек судланганликни бекор қиладиган норматив хусусиятдаги актдир.

Амнистия актини қўлланлиши жиноят процессуал қонун ҳужжатларининг вазифаларига мос келадими? деган савол туғилади. Жиноят процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир.

Қонунийликка қатъий риоя этиш, ҳуқуқ тартиботнинг ҳар қандай бузилишларига қарши курашиш, уни юзага келтирадиган сабаблар ва унга кўмаклашувчи шарт-шароитларнинг олдини олишнинг дастурий вазифасига мос равишда жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган қуйидаги махсус вазифаларда шаклланади:

а) жиноятларни қисқа муддат ичида, яъни жиноят иши қўзғатилишини юқори даражада яқинлаштирувчи муддатларда тезкорлик билан, жиноят иши

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Т.: 2009, -Б. 936

²⁶ Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) Т.: Ўқитувчи. 2005, -Б. 534

бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни тўла, ҳар томонлама ва холисона аниқлаш;

б) айбдорларни – ҳақиқатан жиноят содир этган шахсларни фош қилиш;

в) жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳар бир шахс жиноий жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун қонунни тўғри татбиқ тилишини таъминлаш.

Қонун (жиноят қонуни, жиноят процессуал қонун ва бошқалар) тўғри қўлланилган тақдирдагина иккита ажралмас вазифани амалга ошириш: айбдор бўлган шахсларга адолатли жазо тайинлаш, айби бўлмаган шахсларни жавобгарликка тортилмаслик, асоссиз жавобгарликка тортилган ва ҳукм қилинган шахсларни оқлаш, тўлиқ реабилитация қилишдан иборат.

Хулоса

Республикамиз Жиноят процессуал қонунида жиноят ишларини суд томонидан мазмунан кўриб чиқилиши масалалари батафсил ишлаб чиқилган. Шу билан биргаликда Жиноят процессуал қонун айрим тоифадаги ишларни кўришнинг алоҳида тартибини белгилаган. Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш, ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш, ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш бўйича иш юритиш алоҳидаги тоифада кўриб чиқиладиган ишлар ҳисобланади.

Жиноят ишларини юритишнинг жиноят процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамиятнинг манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашади.

Жиноят ишини қўзғатиш, суриштирув ва дастлабки тергов, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ва суд муҳокамаси, ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш, ҳукмни ижрога қаратиш каби босқичлар бирлиги жиноят ишларини юритиш тизимини ташкил қилади.

Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш, ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш, ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш алоҳида иш юритишга ажратилганлиги мамлакатимиз Жиноят процессуал қонуни иш юритишни дифференциация қилиш йўлидан ривожланиб бораётганлигининг яққол ифодасидир.

Республикамизда жиноят ишларини юритиш тизимини қуйидаги турларга бўлинади:

- умумий тартибда ишларни юритиш;
- вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш;

- тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш;
- ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш;
- ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллашга доир ишларни юритиш.

1.ЖПК 548-моддасини қуйидаги таҳрирда баён қилишни таклиф қиламиз:

Фикримизча, ЖПК 553-моддасида вояга етмаган гумон қилинувчини, айбланувчини сўроқ қилишга кетган умумий вақт, кун давомида дам олиш ва овқатланиш учун бир соатлик танаффусни ҳисобга олмаганда, тўрт соатдан ошмаслиги кераклиги деб ўзгартирилиши керак.

2. ЖПК 556-моддасида вояга етмаган шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг максимал муддати белгиланиши керак. Ушбу ҳолатнинг қонунда кўрсатилиши вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишларини ўз вақтида, ортиқча сансалорликларсиз кўриб чиқишга, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қўшимча кафолатлар яратилишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Асарлар. Т.11. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли.-Т.,Ўзбекистон, 2003.-320 б.
2. Каримов И.А. Асарлар. Т.12. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ.-Т.,Ўзбекистон, 2004.-398 б.
3. Каримов И.А. Асарлар. Т.13. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.-Т.,Ўзбекистон, 2005.-445 б.
4. **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009.**
5. **Международный пакт о гражданских и политических правах. Международная защита прав и свобод человека. Сборник документов. М.: Юрид.лит., 1990 г.**
6. **Всеобщая декларация прав человека. – Права человека. Основные международные документы: Сборник документов. М.: Международные отношения. 1989 г. – С. 134-142.**
7. **Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан. – Т.: Адолат, 2008.**
8. **Ф.М. Мухитдиновнинг Жиноят процесси: моҳияти, мазмун, шакл. Т.: 2002**
9. Уголовно-процессуальное право: Учебник. / Под общей ред. проф. П.А. Лупинской – 2-ое изд. перераб. и доп.- М.: Юрист, 1997. С.12.
10. Лазарева В.А. Судебная власт. Судебная защита. Судебный контроль: понятие и соотношений (лекции -очерки). – Самара: 1999. – Б. 20-24.
11. **Бахронов Х. “Мутамлакачиликдан мустақилликкача” Ўзбекистон Республикасида жиноят-процессуал қонунчиликнинг ривожланиш тарихи”. Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти. Т.: 2006. Б. 113.**

12. Рыжаков А.П. Уголовный процесс . Учебник для вузов.-3-е..перераб.-М.: Норма, 2004. -Б. 61;
13. Уголовный процесс. Учебник для вузов. Изд. 4-ое. Перераб. и дополненное. / Под ред. К.Ф.Гуценко. –М.: Зерцало-М, 2001. –Б.88-89.
14. Жиноят процесси. Умумий қисм. / З.Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. -Т.:ТДЮИ , 2002. –Б.101.
15. Басков В.И. Прокурорский надзор. – М.: МГУ, 1991. - Б. 153.
16. Пулатов Б.Х. Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти. –Т.: Х.Ф. Мизим, 2004. –Б.211.
17. Иноғомжонова З.Ф. Айблов нутқи ва унга қўйилган талаблар. // Ҳаёт ва қонун. -2005. -№2. –Б.5-7.
18. Саркисянц Г.П. Участие защитника в уголовном процессе. -Т.: Фан, 1971. –Б.79.
19. Тўлаганова Г.З. Жиноят процессида ҳимоячининг иштироки. –Т.: ТДЮИ, 2005. –Б.46.
20. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997 й.,1-ж. -Т.: Шарқ, 1997. –Б. 89.
21. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. - Т.: Адолат, 2000. –Б.38.
22. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. -Т.: Адолат, 1998. –Б.17.
23. Иноғомжонова З.Ф. Инсоннинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи: назария ва амалиёт муаммолари тўплами. “Жиноят процессининг айрим босқичларида суд назорати” мавзусидаги конференция материаллари. -Т. ТДЮИ, 2005 –Б.124-128.
24. Жиноят процесси. Умумий қисм.. /З.Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. Т, Янги аср авлоди, 2002. –Б. 137.
25. Иноғомжонова З Ф. Дастлабки тергов ва жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашда суд назорати -Т.: ТДЙИ 2006. -156 б.
26. Тўлаганова Гулчехра. Жиноят процессида эҳтиёт чораларининг қўлланиши муаммолари. - Т.: Адолат, 2005. - 192 б.

27. Тухташева У.А. Жиноят процессида апелляция. - Т.: ТДЙИ. 2004. -78 б.
28. Иноғомжонов Ш.Х. Жиноят процессида далиллар тақдим қилиш ва фойдаланиш муаммолари. -Т.: Адолат. 2003. -178 б.
29. Хакбердиева Р.Т. Жиноят процесси. Ўқув қўлланма. Т., УзМУ. 2003.
30. Эсанов М., Полвонов С.Ё. Тергов ва суриштирув устидан назоратни ташкил этиш. -Т., 1998 й.
31. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистонда суд ҳокимияти: ислохотлар даври. “Адолат” Т., 2002 й.
32. Абдусаломов Г.М. Манфаатга эга бўлган шахслар ҳуқуқларини кафолатлашнинг жиноят процесси принциплари билан узвий боғлиқлиги // Суд-ҳуқуқ ислохотлари: ҳозирги ҳолати ва такомиллаштириш истиқболлари. Илмий-амалий конференция материаллари ТДЮИ 2007. 141-147 б.
33. Акрамходжаев Б.Т. Теоретические предпосылки возникновения концепции о правосстановительной функции в уголовном процессе // Ҳуқуқ-Право-Law. – 2001, №1. – С.24.
34. Маматқулов Т. Жиноят процессида ҳимоя функцияси. // Ҳаёт ва қонун. 2002. - №2. – Б.68.
35. Миренский Б.А. Перспективы использования институтов уголовного и уголовно-процессуального законодательства США в ходе реформирования судебно-правовой системы Республики Узбекистан // Ҳуқуқ-Право-Law. – 2003, №2. – С.29-30.
36. Муҳитдинов Ф. Жиноят процессининг моҳияти: назария ва амалиёт муаммолари. // Қонун ҳимоясида. – 2002. №9-10. – Б.16-18.